



ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ ПРОГРЕССИВ СТАВКАДА СОЛИҚҚА ТОРТИШНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ.

*Ж.К.Калимбетов, ИИБ Нукус “Темурбеклар мактаби” харбий-
академик лицей ўқитувчиси, (PhD), jkalimbetov@umail.uz*

*Ж.Х.Пирекеев, ИИБ Қорақалпоқ академик лицей Умумтаълим
кафедраси бошлиғи, (PhD)*

Аннотация: Мақолада жисмоний шахсларни прогрессив ставкада солиққа тортиш ва танлаш масаласи келтирилган.

Калит сўзлар: жисмоний шахс, прогрессив ставка, солиққа тортиш, даромад.

Аннотация: В статье представлен вопрос налогообложения и отбора физических лиц по прогрессивной ставке.

Ключевые слова: физическое лицо, доход, налогообложение, подоходный налог.

Abstract: The article presents the issue of taxation and selection of individuals at a progressive rate.

Keywords: individual, progressive rate, taxation, income.

Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, уларни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, назорат органларининг масъулияти ва жавобгарлигини кескин кучайтириш, солиқ юкини қисқартириш, солиққа тортишни соддалаштириш ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш борасида жуда катта тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.



Жисмоний шахслар томонидан тўланадиган барча солиқлар объектига нисбатан прогрессив солиқ шкаласи белгиланиши зарур, чунки ушбу диапазонларнинг чегаралари фискал ва қайта тақсимлашдаги самарали солиқ ставкаларини ўрнатилишида муҳим аҳамият касб этади. Бошқа томондан, солиқ шкалаларининг тегишли диапазонларидан келиб чиқиб пропорционал ставкаларда жисмоний шахсларни солиққа тортиш таклифи даромад солиғи тизимида тенг солиқ юки тамойилини таъминлаш имкон бериши мумкин.

Жисмоний шахслар даромад солиғи ставкаларини танлашни асослаш масаласи айниқса мураккабдир ва бунга қуйидаги сабабларни кўрсатиб ўтиш мумкин: Биринчидан, бу даромад солиғи, асосан, фуқароларнинг солиқ юки миқдорини белгилайди. Бундан ташқари, ривожланган мамлакатларда даромад солиғи тушумлари давлат бюджети даромадларининг асосий манбаларидан бирини ташкил қилади. Иккинчидан, давлат катта ижтимоий адолатга эришиш учун даромадлар тенгсизлиги даражаини камайтиришда даромадларни қайта тақсимлашнинг муҳим инструменти сифатида прогрессив ставкадаги даромад солиғидан фойдаланади.

Олиб борилган назарий ва эмпирик тадқиқотлар натижасида даромад солиғининг даромадлар тенгсизлигига таъсирини таҳлили қуйидагилар аниқланган: даромад солиғининг қайта тақсимловчи таъсири самарасини оширишда нафақат солиқ ҳажми, шунингдек солиққа тортиш шкаласининг оптимал даражадаги прогрессивлиги муҳим аҳамият касб этади; аҳоли даромадлардаги фарқланиш даражасини пасайтиришда чегаравий солиқ ставкасини юқори бўлиши эмас, мазкур солиқ ставкалари ўрнатилган даромаднинг чегаравий қийматини камайтириш ҳисобланади.

Аҳоли даромадларини таркибида иш ҳақи кўринишдаги даромадлар, шу жумладан, тадбиркорликдан олинган даромад улушини юқорилигидан келиб чиқадиган бўлсак, жисмоний шахслар даромадларига солиқ солишда фискал



ва тартибга солиш нуктаи назаридан прогрессив солиқ ставкаларини қўлланиши оптимал ҳисобланади.

Амалдаги жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимидаги ягона ставкада солиқ солиниши бюджет даромадлари базасини шаклланишига салбий таъсир кўрсатади, бундан ташқари, аҳоли даромадларидаги номутаносиблик камайтиришда самарасиз фискал инструмент ҳисобланади. Мавжуд жисмоний шахслар даромадига солиқ солишда солиқ ундирилмайдиган минимал даромад суммасини киритилиши ҳамда ижтимоий ва инвестицион кўринишдаги солиқ чегирмалар қўлланилиши, ўз навбатида аҳолининг турли қатламлари даромадларини қайта тақсимлаш асосида солиққа тортишда яширин прогрессияни таъминлаш ва адолатлиликни мустаҳкамлаш инструменти бўлиб хизмат қилиши мумкин. Таклиф этиладиган солиқ ставкаларидаги ўзгартиришлар даромад солиғи тизимида самарали таъсир қиладиган ва шу билан бирга солиқ ҳуқуқий муносабатларининг барча иштирокчиларининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда кенг қамровли бўлиши лозим. Ўртача (самарали) даромад солиғи ставкаларининг прогрессив шкаласи (ўртача (самарали) ставка солиқ суммасининг солиқ солинадиган базага хусусан, жисмоний шахснинг умумий даромадига нисбати ҳисобланади) $y = y(x) \in (0,1)$, $x \in (0,+\infty)$ мутлақ узлуксиз функция сифатида моделлаштирилади, у деярли ҳамма жойда берилган $[x_-, x_+]$ ораликда дифференциал тенгсизликларни қаноатлантиради[1].

$$0 < \frac{dy}{dx} < \frac{1-y}{x} \quad (1)$$

ва ҳар бир интервалда доимийдир $(0, x_-]$ ва $[x_+, +\infty)$, яъни

$$y(x) = 0, \forall x \in (0, x_-], \quad (2) \quad y(x) = y_+, \forall x \in [x_+, +\infty) \quad (3)$$



бу ерда, x –жисмоний шахсларнинг умумий даромади, x_- –солиққа тортилмайдигон минимал даромад, x_+ –даромаднинг чегаравий даражаси, қайсики y_+ максимал ўртача ставкада солиқ ундирилади. Маълумки (1) тенгсизликларнинг чап томони, $y = y(x)$ функциянинг $[x_-, x_+]$ оралиқда ортиши учун етарли шарт, яъни шкалани прогрессив ҳисобланишини (“прогрессив солиқ” атамасининг энг кенг тарқалган таърифидан фойдаланамиз, унга кўра прогрессив солиқнинг ўртача ставкаси солиқ солинадиган базанинг ўсиши билан кўтарилиб боради) англатади. Ўз навбатида, бу тенгсизликлар ўнг томони $D(x)=[1-y(x)]x$ функцияси ҳам мазкур оралиқда ўсишни таъминлайди, даромад x ўсишига мутаносиб равишда ўртача солиқ ставкаси кўтарилишига қарамасдан, солиқ тўлангандан кейинги даромад ҳам ўсиб боради. Бундан ташқари, моделда $y \in (0,1)$, $x \in (0,1)$ соҳасида дифференциал тенгсизликлар системасининг барча мутлақ узлуксиз ечимлари тўплами (1) дифференциал тенгламаларнинг параметрик оиласи ечимлари тўпламига мос келади[2].

$$\frac{dy}{dx} = \frac{1-y}{x} \quad (4)$$

Лебег функциялари бўйича барча мумкин бўлган ўлчовларга мос келади:

$$u = u(x) \in (0,1) \quad (5)$$

Солиқларнинг энг муҳим функцияларидан бири фискал функция бўлганлиги сабабли, даромад солиғи шкаласини танлашнинг оптималлик мезони давлат бюджетига солиқ тушумларининг умумий ҳажмини тавсифловчи функцияларни максимал даражада ошириш муаммоси ҳисобланади. Прогрессив солиқ солиқ тўловчининг умумий йиллик даромадига солинганлиги сабабли, ойлик минимал 12 ойга кўпайтирилиб олинган.



1-жадвал

Прогрессив даромад солиғи шкаласи (БҲМ 300000).

диапазон чегаралари, a_i , сўм	Маржинал солиқ ставкаси η_i , %
$0 < x \leq 3600000$	0
$3600000 < x \leq 18000000$	16
$18000000 < x \leq 36000000$	27
$36000000 < x \leq 54000000$	29
$54000000 < x \leq 4\,111\,200$	32
$x > 72000000$	25

Тақдим этилган экспериментал ҳисоб-китоблар иллюстратив бўлиб ўрганилаётган ёндашувнинг имкониятларини кўрсатишга мўлжалланган. Ўртача даромад солиғи ставкаларининг оптимал шкаласи параметрларини ўзгартирганда, маржинал солиқ ставкалари шкаласининг ҳисобланган параметрлари ҳам ўзгариши аниқ. Яна бир маротаба таъкидлаб ўтамизки, прогрессив ставкада солиқ солишда шкаланинг охириги диапазондаги 25%га тенг маржинал ставкада мазкур диапазондаги жисмоний шахснинг умумий x даромади солиққа тортилади [3] (1-жадвал). Шунингдек, мазкур маржинал ставка бутун $y_+ = 25\%$ шкаласи бўйича максимал ўртача солиқ ставкасига тўғри келади. Иқтисодий нуқтаи назардан, охириги диапазондаги маржинал ва ўртача ставкаларнинг тенглиги шартинг асосли кўринади, чунки унинг бажарилиши ўртача прогрессив солиқ ставкаси энг юқори қийматга кўтарилиши ва кейинчалик солиқ тўловчининг даромадининг янада ошиши билан ўзгармаслигини англатади. Ўтказилган экспериментал ҳисоб-китоблар бизга муҳим хулоса чиқаришга имкон беради ва ушбу ёндашувга асосан, прогрессив даромад солиғи бутун ягона шкала бўйича ундирилмаслиги лозим[4]. Жисмоний шахсларнинг томонидан тўланадиган барча солиқларга нисбатан прогрессив солиқ шкаласи белгиланиши зарур, чунки ушбу диапазонларнинг чегаралари фискал ва қайта тақсимлашдаги самарали солиқ



ставкаларини ўрнатилишида муҳим аҳамият касб этади. Бошқа томондан, солиқ шкалаларининг тегишли диапазонларидан келиб чиқиб пропорционал ставкаларда жисмоний шахсларни солиққа тортиш таклифи даромад солиғи тизимида тенг солиқ юки тамойилини таъминлаш имкон бериши мумкин. Ўрганилаётган ёндашув доирасида олинган натижалар маржинал даромад солиғи ставкаларини ва солиқ шкаласи чегараларини тўғридан-тўғри танлаш муаммоси доирасида ўртача даромад солиғи ставкаларининг оптимал модели шкаласининг бешта параметрини танлаш масаласи асослашда муҳим аҳмият касб этади. Бунда берилган параметрлар миқдори нисбатан рақамдан кичикрок маржинал даромад солиғи ставкаларининг прогрессив шкаласи параметрлари икки диапазондан ортиқ бўлган тақдирда ($2n > 5$ $n > 2$ диапазонлар сони) [5]. Мазкур ёндашув асосида ишлаб чиқилган моделлар тизими ягона қоидаларга қурилган ва шунингдек, мамлакат миллий валютасининг сотиб олиш қобилиятидаги сезиларли фарқларни ҳисобга олган ҳолда прогрессив даромад солиғи тизимини шакллантиришда қўлланиши мумкин[6].

Фойдаланилган адабиётлар

1. Смирнов Р.О. Моделирование выбора параметров шкалы подоходного налога. Вестник Санкт-Петербургского университета. экономика. №4, 2011. С.142.
2. Филиппов А. Ф. Дифференциальные уравнения с разрывной правой частью. М., 1985. <http://www.mathnet.ru/php/archive>.
3. Чистяков С. В., Ишханова М. В. Математические модели выбора налоговых шкал: учеб. пособие. СПб., 1998 <https://userdocs.ru/matematika/101542/index.html>.
4. Смирнов Р.О. Моделирование выбора параметров шкалы подоходного налога. Вестник Санкт-Петербургского университета. экономика. №4, 2011. https://elibrary.ru/download/elibrary_17037734_34913918.